

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqlidir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги
04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМий-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidijournal.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табоқот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan
mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftohi al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳақим Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг
манбашунослик таҳлили 171

Lola K. AZIMOVA,

*Doctor of Philosophy in Philological Sciences,
International Islamic Academy of Uzbekistan, (PhD).**A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.**E-mail: Lola-azim02@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/15

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
РИВОЖИДА ИЛМИЙ МАСКАНЛАРНИНГ
ЎРНИ****ROLE OF SCIENTIFIC CENTERS IN THE
DEVELOPMENT OF CENTRAL ASIAN
CIVILIZATION****РОЛЬ НАУЧНЫХ ЦЕНТРОВ В
РАЗВИТИИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОЙ
ЦИВИЛИЗАЦИИ****КИРИШ**

Маълумки, Ўзбекистон қулай географик минтақада жойлашганлигидан Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турган. Бунда Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарлари орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта эди. Чунончи, милoddан аввалги II-I асрларда вужудга келган Буюк Ипак йўли Мовароуннаҳрни Европа билан боғлаган ҳамда иқтисодий, савдо ва маданий-илмий соҳалардаги кескин бурилишларга сабаб бўлган. Шу жиҳатдан, Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихи бу минтақада қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Парфия, Эрон, Арабистон, Хитой ва маҳаллий халқларнинг маданий ҳамда илмий анъана ва ютуқлари ўзаро тўқнашиб, бир-бирини бойитгани, бунинг натижасида эса юксак цивилизация шаклланишини англатади (Абдуҳалимов Б., 2004:6-8). Шу жиҳатдан, минтақада ҳунармандчилик, қурилиш ва архитектура, айрибошлаш ва савдо-сотиқнинг кенг ривожланганлиги илк цивилизациялар мавжудлигидан далолатдир. Шунингдек, илк ёзма манбалар – «Авесто», аҳамоний шоҳларнинг қоятош битиклари ҳақидаги маълумотлар қадимги Юнон, Рим, Хитой тарихчи ва географларининг асарларида тилга олинисдан билиш мумкинки, минтақада анча илгарироқ ривожланган маданият барпо этилганлигидан дарак беради (Мавлонов Ў., 2008:3-4). Савдо алоқаларининг кенг ривожланганлиги, металлдан ишланган турли

буюмлар, архитектура объектлари, тасвирий санъат намуналарининг мавжудлиги маданият ривожланганлигини белгилловчи омиллардан ҳисобланади. Айниқса, савдо йўллари, яъни халқаро алоқаларда муҳим ўрин тутган маҳсулотлар номи билан аталувчи йўллар (Ложувард йўли, Олтин йўли, Ипак йўли, Нефрит йўли), тарихий шахс фаолияти (Шоҳ йўли) ёки географик ҳудуд номи ва хусусияти (Дашт йўли, Бадахшон йўли, Самарқанд йўли, Кавказ йўли ва бошқалар) билан алоҳида ажралиб турган (Сулаймонова Ф., 1997:190). Бундан ташқари, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Турон заминдан тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори-атикалар миллий давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан дарак беради (Хўжаёров А., 2021:115).

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, Марказий Осиё дунё цивилизациясининг бешиги сифатида сиёсий-иқтисодий, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ҳамда маданий соҳада туб бурилишларни бошлаб берган минтақа ҳисобланади. Унинг қулай жуғрофий шароитда жойлашгани туфайли қадим замонлардан Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказ, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой билан доимий савдо ва иқтисодий алоқалари бардавом бўлган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур минтақадаги шаҳарлар, қишлоқ хўжалиги (хусусан, сунъий ирригация иншоотлари), турли маҳаллий ҳунармандчилик ва қончилик анъаналари, илм ва маданиятнинг жадал суръатлар билан ривожланишига туртки бўлган (Абдуҳалимов Б., 2004:9). Шунингдек, минтақа турфа хилдаги товарларни экспорт қилувчи халқаро марказ бўлган. Сомонийлар даврида юқори сифатли қалай, қўрғошин, мис ва қимматбаҳо металллар қазиб олинган. Шишасозлик Афросиёб (Самарқанд), Шош (Тошкент) ва Фарғона водийсида йирик минтақавий тармоққа айланган. Атторлик молларидан тортиб, дори-воситаларигача, тайёр заргарлик буюмлари, тоза металллар, турли кундалик моллари, қулолчилик, шиша буюмлари, қоғоз ва китоблар, шойи, тўқимачилик буюмлари, мебель, тиббиёт анжомлари – буларнинг бари улкан Марказий Осиёдан экспорт қилинган. Ёрқин пахта матолари (тираз) бутун савдо йўлида жуда машҳур бўлган. Шунингдек, Марказий Осиё аҳолиси дунёда биринчи бўлиб, нон ёпиш

Аннотация. Марказий Осиёнинг моддий ва маънавий тамаддуни узоқ ўтмишига бориб тақалади. Чунончи минтақанинг барча шаҳарлари орқали Буюк Ипак йўлининг ўтиши моддий ва маънавий ривожланишига ҳамда халқаро савдо алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келган. Дастлаб моддий кўринишида ривожланишининг илк белгилари намоён бўлган бўлса, кейинги босқичларда илм-фан ривожига, маънавий жиҳатлар асос бўлганлигини тарихий жараёнлар таҳлили кўрсатади. Аслида моддий ривожланиш жараёнларини маънавий тамаддуни илк босқичларига қараб бориш сифатида баҳолаш мумкин. Маънавий ривожланиш эса, минтақамизда турли даврларда фаолият юритган илмий масканларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси билан белгиланган ҳамда буюк кашфиётлар бунинг самараси ўлароқ юзага келган. Бу эса, дунё тамаддуни ривожига Шарқ ренессансининг биринчи, иккинчи босқичини бошлаб берган. Шу жиҳатдан, Бухородаги «Сиван ал-ҳикма» (X аср), Хоразмдаги ал-Маъмун (XI аср), Самарқанддаги Улугбек академияси (XIV аср) ва Ҳиротдаги «Бойсунгур академияси» (XV аср) каби илмий масканларда табиий фанлар билан бир қаторда, адабиётшунослик, педагогика, тарих, математика ҳамда ислом илмларидан фикҳ, калом, тасаввуф борасида фундаментал тадқиқотларнинг олиб борилиши илм-фан тамаддунини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё цивилизацияси икки жиҳат асосида ривож топганлиги таҳлиллар асосида тадқиқ этилган. Хусусан, биринчидан, моддий кўринишида цивилизация жараёнларнинг илк белгилари асосида, кейинги босқич ёки даврларда эса, маънавий, яъни илм-фан ривожига орқали таъсир кўрсатганлиги тарихий таҳлиллар орқали ёритиб берилган.

Калим сўзлар: цивилизация, илм-фан, ривожланиш, ислом, маскан, тарих, маданият, маърифат, минтақа, кашфиёт.

Abstract. The tangible and spiritual civilization of Central Asia goes back to the distant past. For example, the passage of the Great Silk Road through all the cities of the region led to tangible and spiritual development and strengthening of international trade relations. At first, the first signs of development were manifested in the material form, but the analysis of historical processes shows that the development of science and spiritual aspects were the basis in the next stages. In fact, the processes of material development can be evaluated as going towards the first stages of spiritual civilization. Spiritual development is determined by the contribution of scientific institutions that operated in our region in different periods to the development of science, and great discoveries were made as a result of this. This started the first and second stages of the Muslim Renaissance in the development of world civilization. In this regard, in addition to natural sciences in scientific institutions such as «Siwan al-Hikma» in Bukhara (10th century), al-Mamun Academy in Khwarizm (11th century), Ulugh Begh Academy in Samarkand (14th century), and «Boysunghur Academy» in Herat (15th century), the conduct of fundamental researches in literature, pedagogy, history, logic, and Islamic sciences such as fiqh, kalam, and Sufism determined the civilization of science. So, in the article, it was analyzed that the development of the Central Asian civilization was based on two aspects. In particular, it was revealed through historical analysis that, firstly, it was influenced by the first signs of civilizational processes in the material form, and in the later periods by the spiritual, that is, the development of science.

Keywords: civilization, science, development, Islam, settlement, history, culture, enlightenment, region, discovery.

Аннотация. Материальная и духовная цивилизация Центральной Азии уходит корнями в далекое прошлое. Например, прохождение Великого Шелкового пути через все города региона привело к материальному и духовному развитию, укреплению международных торговых связей. Сначала первые признаки развития проявлялись в материальной форме, но анализ исторических процессов показывает, что основой на последующих этапах было развитие науки и духовные аспекты. Фактически процессы материального развития можно оценить как приближающиеся к первым этапам духовной цивилизации. Духовное развитие определяется вкладом научных учреждений, действовавших в нашем регионе в разные периоды, в развитие науки, в результате чего были сделаны великие открытия. Это положило начало первому и второму этапам Восточного ренессанса в развитии мировой цивилизации. В связи с этим помимо естественных наук в таких научных учреждениях, как «Сиван ал-хикма» в Бухаре (10 век), аль-Мамун в Хорезме (11 век), Академия Улугбека в Самарканде (14 век) и «Академия Бойсунгур» в Герате (15 в.) проведение фундаментальных исследований в области литературы, педагогики, истории, логики и исламских наук, в области юриспруденции, калама, мистики определило цивилизацию науки. Исходя из этого, на основе анализа было исследовано развитие среднеазиатской цивилизации по двум аспектам. В частности, сначала на основе первых признаков цивилизационных процессов в материальной форме, а на последующих этапах или периодах она подвергалась влиянию духовной, то есть посредством развития науки, выяснялась посредством исторического анализа.

Ключевые слова: цивилизация, наука, развитие, ислам, расселение, история, культура, просвещение, регион, открытие.

учун ғалла экишни бошлаганлар. Отларни хонакилаштириш, қаттиқ эгар ва узангининг ихтиро қилиниши ҳам Марказий Осиёнинг ютуқларидан саналади. Бутун Болтиқ минтақасида айланган пулларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ислом оламининг асосий ҳунармандчилик марказлари бўлган Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Балх, Хирот (Афғонистон), Нишопур (Шимолий Эрон), Марв (Туркманистон) зарбхоналаридаги тангалар бўлган. Ёки Бухоронинг Калон минорасидаги нақшлар ўрта аср Италия сайёҳини шу қадар ҳайратга солганки, бу нақшлар Венециядаги Дожей Саройининг ғишт деворида ҳам қайта тасвирланган (Атамбаев Қ., 2017). Шунингдек, Марказий Осиё архитектураси ҳинд меъморчилик намуналарида ҳам ўз ифодасини топганлигини Аградаги Тож-Маҳалнинг Амир Темур мақбараси ва Улуғбек мақбараси иншоотларига ғоят ўхшаш услубда бунёд этилганлигида кўриш мумкин (Атамбаев Қ., 2017). Бундан кўринадики, минтақамиздаги маданий ривожланиш Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг шаклланишига туртки бўлган. Шу жиҳатдан, илк цивилизация, ўрта аср, «Беруний асри», темурийлар даври цивилизацияларининг тарихан юзага келиши илм-фан, маданият юқори босқичга етганлиги ҳамда бу жараёнлар биргина Мовароуннаҳр минтақасида эмас, балки кенг доирада, яъни Шарқ ва Ғарб цивилизациясига ўз таъсирини кўрсатганлиги билан характерланади. Бинобарин, милoddан аввалги 800 йилдан милoddий 1100 йилгача Марказий Осиё минтақаси жаҳон маданиятининг маркази бўлиб, Европа, Яқин Шарқ ва Осиёнинг йирик цивилизацияларига, жумладан, Хитой ва Ҳиндистонга салмоқли ҳисса қўшган (Borden S., 2022:21). Шу жиҳатдан, IX-XV асрларда Марказий Осиёда, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркураб яшнаган, бу давр Ренессанс – Уйғониш даври номини олган (Исмоилов С., 2022:30). Таъкидланганидек, цивилизация жараёни моддий ва маънавий маданият ривожини билан белгиланган. Илк ёки қадимги цивилизациялар, асосан инсоният фалсафий тафаккурининг махсули сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин. Бу даврдаги қарашлар, таълимотлар, табиий-илмий билимлар астрономия, математика каби фанларга таянган. Бу фанларнинг ривожланиши эса давр эҳтиёжининг ифодаси бўлган (Отамуратов С.). Бундан кўринадики, минтақамизда илк цивилизация жараёни асосан моддий маданият ривожини билан белгиланган.

XI асрларда юқори Чиндан бошлаб, Мовароуннаҳр, Фарғона, Хоразм, Бухорога қадар

катта ҳудудни кезиб, уруғ, қабила, халқларнинг анъаналарини, турли урф-одат ва маросимларини ҳамда туркий қабилалар, жой номлари ҳақидаги маълумотларни илк бор жамлаган, 300га яқин мақол-маталлар ва ҳикматли сўзларни киритган, 7500дан ортиқ сўз ва ибораларни изоҳлаган «Девон луғат ат-турк» асарининг муаллифи Маҳмуд Қошғарий, шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб каби адиб ва олимлар ҳам турк халқларининг энциклопедистлари ва луғатшунослари бўлишган (Атамбаев Қ., 2017). XI асрларда яшаган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ҳамда XII-XIII асрларда фаолият олиб борган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ал-ҳақойиқ» диний-фалсафий асарлари ҳам халқ маънавий тафаккур дунёсини бойишига хизмат қиладиган ва минтақа маданий ҳаётини ривожланишига туртки бўладиган бадиий ижод намуналаридир. Албатта, бу олимлар тилшунослик, адабиётшунослик фанининг такомилли орқали ўз даври маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшганлар.

МУҲОКАМА

Кейинги давр тамаддунини эса, маънавий маданият ривожини кўрсатиб берган. Албатта, маънавий маданият илм-фан ривожини билан белгиланган. Мовароуннаҳр цивилизациясини кўрсатувчи жиҳатлар айнан минтақада илм-фаннинг ривожланиши билан характерланади. Айниқса, минтақада астрономия, математика, тиббиёт, алгебра, геология, фалсафа, тарих, география, тилшунослик каби фанларнинг ривожини ва бу борадаги кашфиётлар, илмий ютуқлар Мовароуннаҳр цивилизация марказларидан бири эканлигини кўрсатиб беради. Хусусан, Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асари XII асрдан XVII асрга қадар Шарқ ва Ғарбда асосий дарслик ҳисобланган ҳамда 600 йил давомида Европанинг энг нуфузли университетларида тенги йўқ манба сифатида қўлланилган. Ибн Сино Беруний билан ҳамкорликда Маъмун академиясида самарали меҳнат қилган ва унинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. Ибн Сино ҳақида 1501-1576 йилларда яшаган италиялик файласуф, математик ва шифокор Жироламо «Менинг ҳамма ғояларим ўзимга эмас, балки Ибн Синога тааллуқлидир, чунки унинг назариялари фалсафий қарашларнинг орасида ҳақиқатга яқин ягона ғоялардир», деган эди (Шермухаммедов П., 2009:336).

Аҳмад Фарғоний эса ислом астрономи сифатида тилга олинган ва ҳатто Христофор Колумбни ҳам

унинг ўқувчилари сирасига киритишган. Олимнинг «Астрономиянинг бошланиши» китоби Дантенинг «Илоҳий комедия» ва «Пир» каби асарларида ҳам тилга олинган. Бундан ташқари, Фом Аквинский, Данте, Кант ва Маймонид асарларининг юзага келишига Форобийнинг таъсири катта бўлган. Марказий Осиё файласуфи бўлган Форобий Аристотель ва Платоннинг асарлари ҳақида йирик илмий асарлар ёзган (Атамбаев К., 2017). Аллома Юнон фалсафасини чуқур билгани, унга шарҳлар битгани ва жаҳонга тарғиб қилгани ва замонасининг илмини пухта ўзлаштириб, фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшгани учун «ал-Муаллим ас-соний» («иккинчи муаллим», Аристотелдан кейин), «Шарк Арастузи» номларига сазовор бўлган (О'зМЕ., 2005:288).

Шунингдек, Жамшид Коший ҳам ўзининг асари билан илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшган. Жумладан, «Хорда (Эгри чизикнинг икки нуктасини туташтирувчи тўғри чизик) ва синус ҳақидаги асар»ида Пи сонини юнонлар ва хитойликлардан икки барабар аниқ ҳисоблаб берган ва учинчи даражали тенгламаларни ечишнинг янги усулини таклиф этган ҳолда, Европа ҳисобидан 150 йилга ўзиб кетганлигини айтган. У ўз замонида 1-даражали градусни ўз пайтида жуда аниқ топган олимдир. Унинг Улуғбекнинг ажойиб расадхонасида олиб борган ишларига асосланган «Астрономик жадваллар тўплами» 300 саҳифадан иборат бўлиб, унда 992 та юлдузнинг аниқ жойлашувига оид ҳисоб-китоблар берилгани маълумдир. Улуғбекнинг устози Қозизода Румий биринчи олим, бухоролик Али Қушчи эса, Константинополда бир йилгина яшаганига қарамасдан, биринчи астроном деб эълон қилинган (Атамбаев К., 2017).

Дарҳақиқат, тарихий жараёнлардаги уйғониш (ёки ренессанс) ва цивилизациялар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги туб бурилишлардан бири сифатида улкан ўзгаришлар, маънавий эҳтиёж ҳамда халқ тафаккуридаги эврилишлар туфайли майдонга келган. Албатта, халқ тафаккуридаги маънавий юксалишлар эса, буюк кашфиётлар, илм-фан ютуқларини юзага келтирган. Шу жиҳатдан, Марказий Осиё халқларининг IX-XV асрларда илм-фан, маданият ривожига қўшган ҳиссаси, асосан илмий масканлар фаолияти билан белгиланган. Чунончи, тарихда биринчи, иккинчи ренессансни юзага келтирган илмий масканлар ижтимоий ҳаётнинг маънавий ривожига, сиёсий жараёнларнинг юқори даражага етишига ва янада мустаҳкамланишига хизмат қилган. Қарангки,

IX-X асрларда Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган биргина Бухоро Марказий Осиёнинг сиёсий ва маданий марказига айланган шаҳар сифатида кўплаб мактаб, кутубхона, мадрасалар, масжидлар ташкил этилган. Бу ердаги Сомонийлар саройи кутубхонаси Шарқдаги кутубхоналарнинг энг йириги ҳисобланган (Сулаймонова Ф., 1997:204-205). Шу жиҳатдан, ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларида фаолият кўрсатган илмий ва маданий муассасалар, кўлёмалар жамланган кутубхоналар, илк расадхоналар, таржима марказлари ҳамда муайян шаҳарлар ёки ҳукмдорларнинг саройида ташкил топган илмий мактаблар ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг умумий сони ўндан ортиқ эканлигини кўрсатади. Чунончи, Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма» (IX аср), Бухородаги «Сиван ал-ҳикма» (X аср), Қоҳирадаги «Дар ал-ҳикма» (XI-XII асрлар), Марағадаги Насир ад-Дин ат-Тусий ишлаган расадхона (у ҳам «Дар ал-ҳикма» деб юритилган), Хоразмдаги ал-Маъмун (XI аср) ва Самарқанддаги Улуғбек академияси (XIV аср) кабиларни тилга олиш мумкин (Abduhalimov B., 2004:4). Шунингдек, теурий шахзодалардан бўлган Бойсунғур Мирзо ташаббуси билан 1420 йил Хиротда ташкил топган «Бойсунғур академияси» ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар, нафис рангтавир, миниатюра, наққошлик, хаттотлик, заргарлик, музаҳҳиблик, бастакорлик, нотиклик, воизлик, ҳофизлик, рақс, рассомлик, портрет, пейзаж-манзара, натюрморт, кошинкорлик, пуштингирлик (спорт-соғломлаштириш), боғ, хиёбон, ларк, маҳобатли меъморчилик, дизайн санъати илмлари, адаб илмлари вакилларининг илмий маскани бўлган (Маҳмудов Р., 2011:85).

Инсоният тарихида илк юзага келган Платон академияси (эр. ав. IV аср) ҳам ўз даврининг илмий маскани сифатида кейинги давр илм масканларининг шаклланишига туртки бўлган. Зеро, уйғониш даври маданиятини ўзида ифодалаган академиялар фаолиятида ўзаро алоқадорлик ва муштараклик борлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Термизда қизлар байтул ҳикмаси ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, бу масканга Ҳаким Термизийнинг завжалари ва қизлари раҳнамолик қилган экан. Мазкур илмий масканга дунёнинг турли жойларидан саралаб келтирилган қирқ киз илмда, санъатда, адабиёт, табобат, спортда юқори натижаларга эришган бўлиб, камолга етган қизлар кейинчалик ўз ҳудудларида ҳам шундай маърифат масканларини ташкил этганлар. Уларнинг фаолияти эса, ижтимоий аҳамият касб этиб, бутун Шарққа ёйилган (Мирзо М., 2021:3-4).

НАТИЖА

Шу жиҳатдан, илмий масканлар фаолиятини ўзида мужассамлаштирган уйғониш даврининг ўзига хослиги, ундаги кучли ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жараёнлар, хусусан Хоразм, Самарқанд ва Бухоро ижтимоий муҳит, маънавий ҳаёт, илм-фан ривож, Хоразм Маъмун академиясининг вужудга келиши Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа халқлари томонидан асрлар давомида яратилган бой илмий ва маданий анъаналарни умумлаштиришда ҳамда янада тараққий эттиришда ўз ифодасини топганлиги билан белгиланади (Тўйчиев Б., 2022:7). Бундан кўринадики, илмий маскан ёки академиялар ўз даври ижтимоий-сиёсий жараёнларининг маҳсули сифатида юзага келган. Жумладан, биргина Хоразмда X аср охири – XI аср бошларида фаолият кўрсатган Хоразм маъмун академияси ҳам Мовароуннахр илм-фани ривожига самарали таъсир кўрсатган. 1004 йилдан бошлаб Гурганжда «Дорул ҳикма ва маориф» (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланган ва мазкур илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» академияси фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган, ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган. Мазкур илмий даргоҳда Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий (X а. – 1034 й.), Абулхайр ибн Ҳаммор (941-1048), Абу Сахл Исо ибн Яхъё ал-Масихий ал-Журжоний (970-1011), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ (1030 й.), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Най-сабурий (961-1038), Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (1015 й.), Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Хубубий ал-Хоразмий (X-XI а.), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий (X-XI а.) ва бошқалар илмий фаолият олиб борган (ЎзМЕ, 2005:288). Олимлар Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар. Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қадимги Хоразм бадий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қилган (ЎзМЕ., 2005:288).

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ҳам ўрта асрларда жаҳондаги энг муваффақиятли расадхонани ташкил қилган. Мазкур иншоот оддий расадхона бўлмай, балки буюк француз тарихчиси Вольтер таърифланганидек, «Фалакиётшунослик академияси» эди. Самарқандда жойлашган ушбу расадхонада фалакиёт илмига тегишли турли маълумотлар йиғилиб, олимлар бу маълумотлар устида илмий баҳслар олиб борганлар (Қобилов Н.). Бу, олий мактабда диний фанлардан ташқари математика ва астрономия, фалсафа ва адабиёт ўқитилган (Шчеглов Б., 1980:3). Расадхона билан мадрасанинг биргаликдаги фаолияти эса, Улуғбек академиясида астрономия ва математикани ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтариш имконини берган (Бузруков М., 2010:13).

Уйғониш даври маҳсули бўлган мазкур илмий масканлар ижтимоий-сиёсий зарурат туфайли юзага келган ва халқ маънавий эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилган. Халқ ўз тафаккур олами орқали илм-фан, маданият ривожига таъсир кўрсатган, натижада, ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшиланишига, тараққий этишига олиб келган. Хусусан, минтақада математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, тиббиёт, адабиёт, тарих, фалсафа, тасаввуф ҳамда ислом илмлари каби фанларнинг ривожланиши халқнинг илм-фанга бўлган маънавий эҳтиёжини белгиловчи жиҳатларларидан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятининг белгиларидан бири сифатида дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуктаи назаридан талкин этиш масаласи бўлган экан, илмий масканлар ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юқори аҳамият касб этиб, илм-фан тараққиёти орқали маърифий жамият, цивилизацияон давлат ривожига хизмат қилган.

ХУЛОСА

Кўринадики, тарихан юзага келган илмий маскан ёки академиялар ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ва юқори даражада маънавий-маърифий вазифани бажарган. Ўз даврида жамият ва давлат ҳаётида юзага келган цивилизация, маърифий уйғониш жараёнларини халқ маънавий эҳтиёжи, юксак тафаккур маҳсули сифатида баҳолаш мумкин.

Тарихан юксалиш ва маърифий тамаддунни юзага келтирган илмий масканлар фаолияти бугун Янги Ўзбекистон маънавий ривожига ҳамда Учинчи

Ренессанс пойдеворини қўйишда муҳим роль ўйнайди. Чунончи, бугун фаолият олиб бораётган диний-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари ўз даври ренессансига ҳисса қўшган илмий маскан ёки академияларнинг мантикий давоми сифатида муштараклик касб этган ҳолда ўтмиш зарваракларини янги-янги илмий изланишлар, янгича дунёқараш, умуминсоний ғоялар асосида жаҳон ҳамжамиятига таништириш каби цивилизациян мақсадларни амалга оширишни кўзда тутган. Албатта, илмий масканлар барча давр ва замонларда ҳам жамият ва давлат ҳаётида юқори маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган цивилизация ўчоқлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бугун фаолият олиб бораётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази каби диний-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари ҳам Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичига олиб чиқишда муҳим восита – цивилизация бешиги бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, мазкур марказлар фаолияти орқали илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистондан маърифий ислон ғоялари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотларини ёйиш бўйича Мовароуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар анъанасининг давом этиши «Жаҳолатга қарши – маърифат» билан курашишнинг энг самарали ечими (Мелиқўзиев Ж) сифатида илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Умуман олганда, Мовароуннаҳр дунё цивилизацияси марказларидан бири сифатида тарихан қадимийроқ ва бой маданиятга эга эканлигини илк ёки қадимги, ўрта аср, Темурийлар даври маданияти яққол кўрсатиб берган. Минтақада ривожланган илм-фан, маданият, санъат, ислон илмлари ҳамда илмий масканлар фаолияти цивилизациянинг шаклланиш босқичи нисбатан қадимийроқ ва таъсир доираси кенг эканлигини кўрсатган. Шу жиҳатдан, Мовароуннаҳрда цивилизациян жараёнлар моддий ва маънавий маданият ривожин билан белгиланган ҳамда муайян даврда маърифий юксалишни юзага келтирган. Зеро, Мовароуннаҳрда уч мингдан ортиқ муҳаддис фаолият олиб бориши ва ўндан ортиқ илмий маскан ёки кутубхоналарнинг мавжудлиги минтақа Шарқ цивилизацияси бешиги бўлганлигини ҳамда Ғарб маданиятига таъсир кўрсатганлигидан далолатдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуҳалимов Б. (2004). «Байт ал-ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси,
2. Мавлонов Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: «Akademiya»,
3. Сулаймонова Ф. (1997). Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). Тошкент: «Ўзбекистон»,
4. Хўжаёров А. (2021). Ўзбекистонда учинчи ренессанс: тарихий илдизлари ва ҳозирги замон // Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари. 3-илмий тўплам. Тошкент: «Ta'lim nashriyoti»,
5. Атамбоев Қ. (2017). Марказий Осиёда маърифатнинг олтин асри. Фредерик Старрнинг «Йўқотилган маърифат» асари шарҳи – UzAnalytics/ <https://www.uzanalytics.com/kitob/3693/>
6. Sara Borden. (2022). O'rta Osiyo oltin davri // «Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ilm-fan va madaniyatini tadqiq etishning dolzarb muammolari» mavzusidagi xalqaro ilmiy anjumani materiallari to'plami. Guliston: Universitet
7. Исмоилов С. (2022). Абу Райхон Берунийнинг закийлик даҳоси // «Марказий Осиё Уйғониш даври илм-фан ва маданиятини тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий анжумани материаллари тўплами. Гулистон: Университет,
8. Отамуратов С. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини туташтирган мутафаккирлар // Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi/ <https://www.bukhari.uz/?p=24504>
9. Шермухаммедов П. (2009). Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райхон Беруний қисмати. Илмий-маърифий қисса. Тошкент.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. (2005). Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти., 9-жилд,
11. Махмудов Р., Ҳайдарова Г. (2011). Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси. ЎУМ. Гулистон:
12. Мирзо М. (2021). Ренессанс – инсоният тараққиётининг дурдонаси. //Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари. 3-илмий ишлар тўплами. Тошкент: «Ta'lim nashriyoti»
13. Тўйчиев Б. (2022). Мовароуннаҳрда илк уйғониш даври илмий-фалсафий таълимотлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари // «Марказий Осиё Уйғониш даври илм-фан ва маданиятини тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий анжумани материаллари тўплами. Гулистон: Университет

14. Қобилов Н., Даурбекова И. Мирзо Улуғбек – дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган аллома - Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази// <https://www.bukhari.uz/?p=13651>.
15. Шчеглов В. (1980). Улуғбек расадхонаси. Тошкент: «Фан»
16. Бузруков М. Улуғбек академияси ва унга давр сўфийларининг муносабати. // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2010 йил, 1-сон.
17. Мелиқўзиев Ж. Сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада қабул қилинаётган қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти // oliymahad.uz/17237.

REFERENCES

1. Abduhalimov B. (2004). «Bayt al-hikma» va O'rta Osiyo olimlarining Bag'doddagi ilmiy faoliyati (IX-XI asrlarda aniq va tabiiy fanlar). Tashkent: «Toshkent islom universiteti» publishing house.
2. Mavlonov O'. (2008). Markaziy Osiyoning qadimgi yo'llari: shakllanishi va rivojlanish bosqichlari. Tashkent: «Akademiya»,
3. Sulaymonova F. (1997). Sharq va G'arb (Qadimiy davr va o'rta asrlar madaniy aloqalari). Tashkent: «O'zbekiston».
4. Xo'jayorov A. (2021). O'zbekistonda uchinchi renessans: tarixiy ildizlari va hozirgi zamon // Yangi O'zbekistonning iste'dodli yoshlari. 3-ilmiy to'plam. Tashkent: «Ta'lim nashriyoti».
5. Atamboyev Q, (2017). Markaziy Osiyoda ma'rifatning oltin asri. Frederik Starrning «Yo'qotilgan ma'rifati» asari sharhi – UzAnalytics/ <https://www.uzanalytics.com/kitob/3693/>
6. Sara Borden. (2022). O'rta Osiyo oltin davri // «Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ilm-fan va madaniyatini tadqiq etishning dolzarb muammolari» mavzusidagi xalqaro ilmiy anjumani materiallari to'plami. Guliston: Universitet
7. Ismoilov S. (2022). Abu Rayhon Beruniyning zakiylik dahosi // «Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ilm-fan va madaniyatini tadqiq etishning dolzarb muammolari» mavzusidagi xalqaro ilmiy anjumani materiallari to'plami. Guliston: Universitet,
8. Otamuratov S. Sharq va G'arb sivilizatsiyalarini tutash tirgan mutafakkirlar // Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi/ <https://www.bukhari.uz/?p=24504>
9. Shermuhammedov P. (2009). Dahoning tug'ilishi yohud Abu Rayhon Beruniy qismati. Ilmiy-ma'rifiy qissa. Tashkent.
10. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. (2005). Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» state scientific publishing house, Vol.9,
11. Mahmudov R., Haydarova G. (2011). O'rta Osiyo allomalarining ilmiy merosi. O'UM. Guliston:
12. Mirzo M. (2021). Renessans – insoniyat taraqqiyotining durdonasi. //Yangi O'zbekistonning iste'dodli yoshlari. 3-ilmiy ishlar to'plami. Tashkent: «Ta'lim nashriyoti»
13. To'ychiyev B. (2022). Movarounnahrda ilk uyg'onish davri ilmiy-falsafiy ta'limotlar rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari // «Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ilm-fan va madaniyatini tadqiq etishning dolzarb muammolari» mavzusidagi xalqaro ilmiy anjumani materiallari to'plami. Guliston: Universitet
14. Qobilov N., Daurbekova I. Mirzo Ulug'bek – dunyo tamadduniga ulkan hissa qo'shgan alloma - Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi// <https://www.bukhari.uz/?p=13651>.
15. Shcheglov V. (1980). Ulug'bek rasadxonasi. Tashkent: «Fan»
16. Buzrukov M. Ulug'bek akademiyasi va unga davr so'fiylarining munosabati. // Imom al-Buxoriy saboqlari, 2010, No 1.
17. Meliqo'ziyev J. So'nggi yillarda diniy-ma'rifiy sohada qabul qilinayotgan qaror va me'yoriy hujjatlarning mazmun-mohiyati // oliymahad.uz/17237.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 $\frac{1}{8}$.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية